

РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА ХУЗОР (ҒУЗОР) РУСТОҚИ

Эргашев Умар Кузиевич (Иқтисодиёт ва педагогика университети нодавлат таълим муассасаси мустақил изланувчиси, Қарши шаҳри).

Аннотация: Мақолада ривожланган ўрта асрлар IX – XII асрларда Хузор рустоқи номи остида араб ва форс тилли асарларда ўрин олган Ғузор тумани Суғд ўлкасининг сиёсий-маъмурий бирликларидан бири эканлиги, ўнлаб араб ва форс сайёҳлари ўрта асрларда Хузор номи остида араб, форс ва туркий тилли асарларда тилга олинганлиги, бу ернинг алоҳида ўз рустоқлари – Субах ва Искифағнга эга алоҳида маъмурий бирлик бўлишига олиб келганлиги минтақа тарихини ёритишда айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: Хузор рустоқи, Истахрий, Ибн Ҳавқал, [Ибн Хурдодбех](#), Муқаддасий, Идрисий, Ёқут, “Китоб ал-мамалик ва-л-масолик” (“Ўлкалар ва йўллар”), “Китоб сурат ал-ард” (“Ер суратининг китоби”), «[Китоб](#) масолик ал-мамолик» («Мамлакатлар йўллари ҳақида китоб»), Субах, Искифағн, Хузорруд, Жаванруд, фарсах.

Хузар (Гузар) рустаки в развитых средневековых письменных источниках.

Эр гашев Умар Кузиевич (самостоятельный исследователь негосударственного образовательного учреждения экономико-педагогическщого университета).

Аннотация. В статье развитие средневековья в IX-XII веках под названием Хузар рустоқи упоминается в арабских и персидских трудах Гузорского района как одной из политико-административных единиц

Согдийской области в отличие от других расположенных сел. в центральных районах Кешского района удаленность Хузора от города Кеш иногда приводила к тому, что эта земля превращалась в отдельную административную единицу со своими селами - Субах и Искифагн.

Ключевые слова: Хузар рустаки, Истахри, Ибн Хавкал, Ибн Хурдадбех, Мукаддасий, Идрисий, Якут, «Китаб аль-мамалик ва-ль-масолик» («Страны и дороги»), «Китаб сурат аль-ард» («Книга образ земли»), «Китаб масолик ал-мамолик» («Книга о дорогах стран»), Субах, Искифаг'н, Хузорруд, Джаванруд, фарсах.

Khuzor (Guzor) village in developed medieval written sources

Ergashev Umar Kuziyevich (Independent researcher of the University of Ekonomies and Pedagogy nongovernmental edicational establishment).

Annotation: In the article, the development of the middle ages in the 9th-12th centuries under the name of Khuzar rustak was mentioned in the arabic and persian works of Guzor district as one of the political-administrative units of the Sughd region. Unlike other villages located in the central regions of Kesh region, the fact that Khuzor is far away from Kesh city sometimes led to the fact that this land became a separate administrative unit with its own villages - Subakh and Iskifag'n.

Key words: Khuzar rustoki, Istakhri, Ibn Havqal, Ibn Hurdadbeh, Muqaddasiy, Idrisiy, Yaqut, "Kitab al-mamalik wa-l-masolik" ("Countries and roads"), "Kitab surat al-ard" ("The book of the image of the earth") , "Kitab masolik al-mamolik" ("Book about the ways of countries"), Subakh, Iskifag'n, Khuzorrud, Javanrud, farsakh.

Ривожланган ўрта асрлар IX – XII асрларда Хузор рустоқи номи остида араб ва форс тилли асарларда ўрин олган Ғузор тумани Суғд ўлкасининг сиёсий-

маъмурий бирликларидан бири эди. Аслида қадим ва илк ўрта асрларда Суғд ёки Суғдиёна ўлкасининг жанубда жойлашган сиёсий-маъмурий бирлиги сифатида бўлган Хузур ҳақидаги ёзма маълумотлар бирмунча кейинги даврларга – ривожланган ўрта асрларга оиддир. Бу даврда Марказий Осиёга Истахрий, Ибн Ҳавқал, [Ибн Хурдодбех](#), Муқаддасий, Идрисий, Ёқут каби ўнлаб араб ва форс сайёҳлари ташриф буюрган бўлиб, улар минтақадаги Суғд ўлкасига тўхталар экан, Кеш ва Нахшаб вилоятларига у ёки бу даражада тўхталиб ўтганликлари кўзга ташланади. Улар орасида Истахрий ва Ибн Ҳавқал ёзиб қолдирган маълумотлар ўзининг бирмунча батафсиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Абу Исҳоқ ал Форисий ал-Истахрий (тахм. 850-934) Эрон ўлкасининг Форс вилоятида туғилиб ўсган, форс ва араб тилларини яхши билган, Эрон ва Марказий Осиё ҳудудларининг катта қисмида бўлиб, бу ҳудудларга доир тўплаган маълумотларини “Китоб ал-мамалик ва-л-масолик” (“Ўлкалар ва йўллар”) номли асарида келтирган мусулмон географи сифатида машҳурдир. IX – XII асрларда Марказий Осиёга сафар қилиб, минтақадаги тарихий-географик вилоятлар – Шош, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм, Марв ва Тохаристон ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган ўнлаб араб-форс географларидан фарқли ўлароқ Истахрий Суғд тарихий-географик вилояти таркибидаги бирмунча кичикроқ маъмурий бирликлар – рустоқларга ҳам бирмунча кенг тўхталган. Айниқса, унинг Хузур рустоқи бўйича ёзиб қолдирган маълумотлари ўзининг бирламчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунга ўхшаш бошқа араб-форс географлари асарларида учрамайдиган маълумотлар Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ал-ард” (“Ер суратининг китоби”) номли асарида ўрин олган бўлиб, ушбу муаллиф ёзиб қолдирган Хузур рустоқи ҳақидаги қайдлар Истахрий келтирган маълумотлар билан ўзаро мос келади.

Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Нисибий (ваф. 976 й.) араб сайёҳи ва географи бўлиб, 931-943 йилларда [Мағриб](#) ва [Машрик](#) мамлакатлари, [Сицилия](#) ороли, Италия, Испания, [Месопотамия \(Икки дарё оралиғи\)](#), [Эрон](#) бўйлаб саёҳат қилган, Испаниядаги Кордовада маълум [вақт](#) яшаган. 952 йилда Истахрийнинг

«Китоб масолик ал-мамолик» («Мамлакатлар йўллари ҳақида китоб») асаридаги ва хариталаридаги чалкашликларни унинг розилиги билан тузатиб, кейинчалик шу асосда «Китоб ул-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») деб аталган мукамал асар яратган. Мазкур китобни ёзишда Ибн Хурдодбех, Жайхоний, Қудамма ибн Жаъфар асарларидан ҳам фойдаланган. Ибн Ҳавқалнинг Осиё, Африка ва Европа қитъаларининг катта исмидаги мамлакатларга оид хабарлари, хусусан, этник маълумотлари ўша давр илм-фани учун муҳим янгилик бўлди.

Истахрий асарининг арабча асли ва форсий таржимасининг турли нусхалари етиб келган бўлиб, уларда Хузур (خزار) топонимининг حوان, خران, حران, خزر шакллари ҳам мавжуд[1;324]. Қизиғи шундаки, Истахрий асарида Хузур Кеш вилоятига қарашли рустоқ сифатида тилга олиниши билан бирга, Кешнинг бошқа рустоқларидан фарқли ўлароқ алоҳида бир сиёсий-маъмурий бирлик сифатида келтирилгани куйидаги сатрлардан англашилади: «Кеш шаҳардир, қуҳандиз, рабад ва унинг рабад билан туташган бошқа бир шаҳристони бор. ... Унинг рустоқларининг ариқлари кўп. Самарқанд томонида бир фарсахда ва Балх йўлида оқадиган дарё бор. Бу сувларнинг ортгани водийда тўпланиб, Насафга оқади. Шаҳристон ва ҳовлиларининг барчасида оқар сувлар ва боғлар бор. Маъмурий бирлигининг узунлиги тўрт кунга яқин. Унда Навқад Қурайш шаҳри бор. Сунаж (Субах) ва Искифағн Хузур рустоқидадир. Унда мевалари ва уруғлари, тоғларида четга чиқариладиган шифобахш гиёҳлари кўп. Унда Мабанкат, Руд, Баламдарин, Самар, Кашк, Ару, Синам, Арған, Ҳавадхан, Хузур, Суруза, Шакарда ад-Доҳила ва Шакарда ал-Хорижа рустоқлари бор. Булар бари Кеш рустоқларидир»[2;166].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Истахрий Кеш вилоятининг маъмурий бирликларининг узунлиги, вилоятдан оқиб ўтадиган дарёлар иккита экани, улардан бири Самарқанд йўналишида, иккинчиси эса Балх йўналишида экани, Кешдан оқиб ўтган дарё Насафга қараб давом этишини ёзар экан, Кешга қарашли Навқад Қурайш шаҳри борлигига урғу бергач, “Сунаж (Субах) ва Искифағн

Хузор рустоқидадир” деган маълумотни келтиргани диққатни ўзига тортади. Ҳолбуки, Истахрий ушбу сатрлардан бироз кейин “Мабанкат, Руд, Баламдарин, Самар, Кашк, Ару, Синам, Арған, Ҳавадхан, Хузор, Суруза, Шакарда ад-Дохила ва Шакарда ал-Хорижа рустоқлари бор. Булар бари Кеш рустоқларидир” деб ёзгани ўз изоҳини талаб қилади. Яъни муаллиф бир-бирига яқин сатрларда Субах ва Искифағни Хузор рустоқига қарашли деб ёзиш билан бирга Кешга қарашли рустоқларни номма-ном санар экан улар орасида Хузор топонимини ҳам келтириб ўтишини қандай очиклаш мумкин. Бундан ташқари, Истахрий Кешга қарашли йирик сув манбалари ҳақида ёзар экан, “Самарқанд йўналишида” деб келтирган дарё Кашкруд (Қашқадарё)га, “Балх йўналишидаги”си эса Хузорруд (бугунги Ғузордарё ёки Катта Ўрадарё)га тўғри келиши англашилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Истахрий асарининг турли нусхаларида Жаванруд (جوانرود) кўринишида қайд этилган Хузорруд дарёси бугунги кунда Хузордарё ёки Катта Ўрадарё деб аталади. Буни Ибн Ҳавқал Хузорруд (خزار رود) кўринишида тилга олиниши ҳам тасдиқлайди[3;66].

Хузор рустоқининг Кеш вилоятига қарашли ёки аксинчалиги масаласини янада аниқлаштиришда Ибн Ҳавқал келтирган қуйидаги маълумотлар асқотади: “[Кеш] рустоқларида дарёлар кўп. Улардан Харуда дарёси Самарқанд йўли томонда шаҳардан бир фарсах [масофада оқади], иккинчиси Балх йўлидаги дарё, Хушкруд деб аталади, шаҳардан бир фарсах [масофада оқади]. Учинчи дарё ҳам Балх йўлида, у Хузорруд деб аталади, шаҳардан саккиз фарсах [масофада оқади]. Бу сувларнинг қолган қисми Насаф [томон]га оқадиган дарёга [қуйилади] [Кеш] вилоятининг узунлиги тахминан тўрт кунлик йўл, кенлиги ҳам шунча. Унга [қарашли] шаҳарлар: Навқад Қурайш ва Субах – Хузор рустоқида, Искифағн ҳам Хузор рустоқида” [4;66-67]. Шу билан бирга, Ибн Ҳавқал ўз асарининг “Кеш ва Насаф вилоятларидаги масофалар” бўлимида Кешдан Насафга, ғарб томонга йўл уч марҳаладан иборатлигини, Кешдан ас-Сағонийон (Чағонийён)гача олти марҳала эканини, Кешдан Насаф йўлидаги Навқад Қурайшгача беш фарсах эканини ёзиб, Кешдан Субахгача икки фарсах чапга йўл борлиги, ўша ерда

(Навқад Қурайшда) йўл ажралиши, Искифағн Субахдан бир фарсах масофада жойлашгани, Субах Искифағнга нисбатан Насафга яқинроқ жойлашганига урғу беради [5;89]. Бундан кўринадики, Субах ва Искифағн Хузор рустоқига тегишли йирик аҳоли масканлари бўлган.

Қизиғи шундаки, Истахрий ва Ибн Ҳавқалдан деярли минг йил кейин ҳам ушбу аҳоли масканлари Ғузор туманига қарашли маъмурий бирликлар сифатида ёзма манбаларда тилга олинади. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳужжатларида амирликка қарашли бекликлар орасида Хузор (Ғузор) беклиги ҳам тилга олиниб, ушбу беклик таркибидаги Эскибоғ амлокликлиги – Искифағнга тўғри келса, Субах эса Субоғ ёки Савбоғ қишлоғи шаклида Ғармистон амлокликлигига таркибида қайд этилади[6;14]. Искифағн харобалари Ғузордан 9 км шимолда Ўликтепадан 8 км масофада жойлашган бўлиб, Хўжа Бузруктепа деб аталади[7;216].

Кези келганда айтиб ўтиш керак, тадқиқотчилар Ибн Ҳавқал Кеш вилоятдан оқиб ўтадиган Хушкруд дарёси номи Кашкруднинг форслашган шакли бўлиб, «қуруқ узан» деган маънони билдиргани ва ҳозирда Қизилсув ёки Яккабоғдарёга тўғри келишига урғу берадилар[8;147].

Хузор рустоқининг йирик аҳоли масканларидан бири – Субах шаҳар миқёсидаги жой бўлиб, Насаф – Термиз йўлида, Насафдан 6 фарсах ёки 1 марҳала, Кешдан эса 2 марҳала масофада жойлашгани ёзма манбалар орқали маълум. Бу ер Истахрий ва Ибн Ҳавқал яшаган даврлардан анча олдин ҳам йирик аҳоли маскани бўлганини Абу Бакр ан-Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. VIII асрда Субах аҳолиси арабларга қарши Муқанна бошчилигида кўтарилган кўзғолонга биринчи бўлиб қўшилганлар. Абу Бакр ан-Наршахийнинг ёзишича: “Марвда араблардан Абдуллоҳ ибн Амин номли бир киши бор эди, у Муқаннага имон келтирди ва қизини унга хотинликка берди. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш шаҳарларига келди ва ҳар ерда халқни лаънати Муқанна динига чақириб, кўп кишини йўлдан оздирди. (Бундайлар) Кеш шаҳарида ва унинг қишлоқларида

кўпроқ эди. Дастлаб Муқанна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган қишлоқ Кешнинг Субах номли қишлоғи бўлиб, қишлоқ аҳолисининг улуғ кишиси Умар Субахий эди. Улар қўзғолон кўтардилар” [9;37]. Бугунги кунда Субах шаҳрининг харобалари Ғузордан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган булиб, Ўликтепа деб аталади [10;215].

Тадқиқотчилар фикрича, ўрта асрларда Хузор номи остида араб, форс ва туркий тилли асарларда тилга олинган ушбу маъмурий-сиёсий бирлик худудий жиҳатдан Насаф вилоятига яқинроқ жойлашган бўлишига қарамай, маъмурий жиҳатдан Кеш вилоятига қарашли рустоқ бўлишининг негизида Кеш илк ўрта асрларда нафақат Жанубий Суғдда, балки бутун Суғдда етакчи сиёсий кучга айланишга интилгани ётади. Айрим ёзма манбаларда ҳатто Насафнинг ҳам Кеш таркибида тилга олинishi бу қарашларни қўллаб-қувватлайди. Бошқа томондан эса Хузор ва унга қарашли йирик аҳоли масканлари – Субах ва Искифағни сув билан таъминлайдиган дарё – Хузорруд (Ғузордарё)нинг Кешга қарашли тоғлардан бошланиши, яъни ушбу аҳоли масканлари иқтисодий жиҳатдан Кешга боғлангани ҳам Хузорнинг Кеш рустоқларидан бирига айланишига олиб келган бўлса керак. Шу билан бирга, Кеш вилоятининг марказий худудларида жойлашган бошқа рустоқлардан фарқли ўлароқ Хузор Кеш шаҳридан анчагина узоқ жойлашгани айрим пайтларда бу ернинг алоҳида ўз рустоқлари – Субах ва Искифағнга эга алоҳида маъмурий бирлик бўлишига олиб келган.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

- 1.Истахрий. «Китаб ал-масалик вал-мамалик». Йўллар ва ўлкалар китоби. Хуросон ва Мовароуннаҳр. Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р. Т. Худайберганов. – Тошкент: Фан, 2019. –Б. 324.
2. Sherozovich, M. B. (2024). INDUSTRIAL MEASURES IN UZBEKISTAN 1925-1954 AND THEIR RESULTS (in the case of Kashkadarya and Surkhandarya regions). *World scientific research journal*, 24(1), 195-200.
3. Sherozovich, M. B., & Shuhratovna, M. N. (2024). DEVELOPMENT OF FOOD INDUSTRIES IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN: HISTORICAL

- ANALYSIS AND CONSEQUENCES. *World scientific research journal*, 24(1), 188-194.
4. Sherozovich, M. B. (2024). DEVELOPMENT OF HEAVY INDUSTRIES IN THE SOUTHERN PROVINCE OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND CONSEQUENCES (1930-1960). *Modern education and development*, 16(5), 267-277.
5. Mamatqulov, B. S. (2024). О ‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAHLIL VA OQIBATLAR (XX-ASRNING 30-40 y.). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(2), 33-39.
6. BAYMANOVNA, A. R., & Eshqobil ogli, M. B. (2024). О ‘ZBEKISTON VA HINDISTON MAMLAKAT XALQLARINING SPORT SOHASIDAGI MUNOSABATLARI. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 15(3), 27-30.
7. Baymanovna, A. R. (2024). Uzbekistan-India: Development of Economic Cooperation. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521)*, 2(5), 594-598.
8. АСАДОВА, Р. (2024). ИСТОРИЧЕСКАЯ РЕТРОСПЕКТИВА ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НАРОДАМИ УЗБЕКИСТАНА И ИНДИИ. *News of UzMU journal*, 1(1.2. 1), 7-10.
9. Асадова, Р. (2024). О ‘zbekiston va Hindiston o ‘rtasida savdo va ilmiy-texnik hamkorlik. *Общество и инновации*, 5(5), 227-231.
10. Shonazarovich, Q. A. (2024). IN 1925-1954, THE MEASURES FOR THE SPECIALIZATION OF UZBEKISTAN AS THE MAIN COTTON BASE OF THE USSR AND ITS CONSEQUENCES. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 67-71.
11. Shonazarovich, K. A. (2023). Development of the Craft Industry in the City of Karshi at the Beginning of the 19th-20th Centuries. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(12), 135-138.

12. Shonazarovich, Q. A., & Adilovna, B. G. (2024). OLTIN VOHA TERALARI TILSIMI-TARIX KO 'ZGUSIDA: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 6(2), 86-94.
13. Shaxnoza, E. (2024). QASHQADARYO VILOYATIDA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANINING RIVOJLANISHIDA XOTIN-QIZLARNING O'RNI. *Modern education and development*, 16(5), 216-226.
14. Elboyeva, S. B. (2022). МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК–ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 377-385.
15. Elboyeva, S. B. (2022). YOSHLARDA YUKSAK MA'NAVIYATNI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARBLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 576-581.
16. Ergashev, U. Q. (2024). IMPORTANT INFORMATION ABOUT THE HISTORY OF THE GUZOR KINGDOM OF THE BUKHARA EMIRATE (BASED ON THE EXAMPLE OF GULSHANI'S BOOK "THE HISTORY OF HUMOYUN"). *Western European Journal of Historical Events and Social Science*, 2(10), 74-79.
17. Ergashev, U. Q. (2024). INFORMATION ABOUT THE VILLAGES OF THE INHABITANTS OF THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA BY AMLOK (late 19th–early 20th centuries). *Web of Teachers: Inderscience Research*, 2(10), 265-270.
18. Ergashev, U. K. (2024). THE BUKHARA EMIRATE: A HISTORICAL OVERVIEW. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(12), 131-135.
19. Kuziyevich, E. U. (2024). GUZOR FORT IN THE PERIOD OF BUKHARA EMIRATE. *European Science Methodical Journal*, 2(5), 192-198.
20. Pulatovna, E. N. (2024). UZBEKISTAN'S PLACE IN INTERSTATE INDUSTRY AND TRADE EXHIBITIONS (1991-2021 YEARS). *International journal of artificial intelligence*, 4(07), 342-343.

21. Nilufar, E. (2024). MUSTAQILLIK YILLARIDA YIRIK SANOAT SOHASIDAGI ISLOHOTLAR. *Modern education and development*, 16(5), 250-259.
22. Esanova, N. (2024). QASHQADARYO SANOATINI RIVOJLANTIRISHDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK MEXANIZMINING YARATILISHI. *Interpretation and researches*.
23. Ruzimuratovna, O. N. (2022). WAYS TO ABSORB THE NATIONAL IDEA IN THE YOUTH MIND. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 2(10), 122-124.
24. Ochilova, N. R. (2023). The importance of moral education of young people in the development of new Uzbekistan. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 25-28.
25. Ochilova, N. R. (2022). CURRENT STATUS OF UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(12), 255-258.
26. Sharopova, N. A. (2019). IMPROVING THE GENERAL SECONDARY EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN. *Theoretical & Applied Science*, (10), 331-334.
27. Akbarovna, S. N. (2024). THE NEW LAW" ON EDUCATION" IN NEW UZBEKISTAN AND ITS CONTENT. *Web of Teachers: Inderscience Research*, 2(6), 35-36.
28. Sharopova, N. (2023). QASHQADARYO VILOYATI UMUMTA'LIM MUASSASALARI MODDIY-TEXNIKA BAZASINI MUSTAHKAMLASH TADBIRLARI VA ULARNING NATIJASI. *Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi*, (9), 518-522.
29. Burievna, M. S. (2023). FROM THE HISTORY OF MUSIC CULTURE OF AMIR TIMUR AND THE TEMURIAN PERIOD. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 10(12).
30. Murtazova, S., & Ashurov, N. ABU MUIN AN-NASAFI-THE CONTINUATOR OF THE DOCTRINE OF MOTURUDIYA.

31. Buriyevna, M. S., & Sherozovich, M. B. THE FACTOR OF ISLAM RELIGION FOR ENSURING PEACE AMONG CONFESSIONS (USING THE EXAMPLE UZBEKISTAN EXPERIENCE).
32. Жумаева, Ш. С. (2023). Ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий ҳимоя. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(5 SPECIAL), 286-290.
33. Jumayeva, S. S. (2024). BERUNIY ASARLARIDA IJTIMOIIY MASALALARNING YORITILISHI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(5), 416-420.
34. Jumayeva, S. S., & Xalilova, E. A. (2023). YOSH AVLODNI TARBILASHDA ESTETIK TARBIIYANING O'RNI. *Interpretation and researches*, 1(1).
35. Sadullayevna, A. D. (2023). Young People-The Creators of New Uzbekistan. *The Peerian Journal*, 25, 11-16.
36. Akhmedova, D. S. (2023). SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 304-309.
37. Sadullayevna, A. D. SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW.